SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 20-SENTABR ■ SHANBA ■ 113 (27.133) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МДҲнинг ЯЛТА САММИТИ



ЯЛТА, 19 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов МДҲ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтадиган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда кўрилган масалалар кўлами кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қисми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДҲ тузилганига ўн икки йил тўлади. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДҲ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий. Президент Ислом Каримов саммитга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

— МДҲ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчалангандан кейин эски тузум сарқитларини тугатишга ҳисса қўшди.

Парчаланган империя ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқларимиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДҲнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Ҳамдўстлик саммитларида сиёсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятидан кўпроқ манфаатдормиз.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу галги мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилиндими ва самара беряптими? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Бироқ, шу маълумки, МДҲга аъзо мамлакатлар турли соҳадаги ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу маънода МДҲнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Суратда: ташриф пайти.

ХДП хабари

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

2003 йилнинг 18 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида АҚШ Халқаро Муносабатлар Миллий Демократик Институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб ва мазкур Институт дастурлари директори Гегам Саргсян қабул қилиндилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, партия фаолияти ҳақида сўзлаб берди ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

Қадрият — ўзликни англаш

АЖДОДЛАР АБАДИЯТИ — АВЛОДЛАР АЗИЗ НИЯТИ

Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция навбатдаги ўнинчи сафаридан қайтди. Шу муносабат билан республика «Маънавият ва маърифат» марказида тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, олимлар, жамоатчилик иштирок этди.

Андижонда тузилган ва илк сафарини 1992 йил 19 май куни бошлаган Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция мустақиллик йилларида хорижда ўн маротаба бўлди. Улар аждодларимиз томонидан битилган, фанда маълум бўлмаган кўплаб адабиётларни, кашфиётларни илмий истеъмолга киритди. Буюк мутафаккир Бобур билан бир қаторда бошқа ватандошларимиз тақдири, ижодий ва илмий меросига алоқадор қимматли ҳужжатлар тўпланди. Бизга номаълум бу манбалар асосида фильмлар суратга олинди. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан қалбимизга ташланган чўғ беқиёс гулханга айланди. Унинг тафти, нафақат мамлакатимиз, балки ундан ташқариларга ҳам бизни етаклади. Бир пайтлар кўмилиб кетган кўнгил кўзи очилди.

Экспедициянинг бу галги юриши янги-янги кашфиётларга бой бўлди.

МАВЛОНО ЛУТФИЙ ҚАБРИ ТОПИЛДИ

Ҳазрат Навоийнинг устозлари, сўз мулкининг султони Мавлоно Лутфий қабри шу кунгача жамоатчиликка маълум эмас эди. Туркий тилимизнинг софлиги учун курашган Ҳирот адабий муҳитининг раҳномаси шоирнинг мангу манзили Ҳирот яқинидаги Деҳи Канор қишлоғи Шаҳзода Қосим қабристонида экан.

3-бет

ОЛТИН ЮЛДУЗ МУБОРАК, УСТА!

Яқинда шаҳрихонлик пичоқчи-ҳунарманд Раҳматулло Алихўжаев номига Испания пойтахти Мадрид шаҳридан Тадбиркорлик ташаббуслари ташкилоти (BID)нинг сифат бўйича директори Альфонсо Касалдан мактуб келди. Унда қуйидаги жумлалар бор эди: «Сизга Халқаро «Олтин юлдуз» мукофоти берилиши муносабати билан ўз қувончим ва самимий табрикларимни йўллайман. Бу, сиз тайёрлаган маҳсулотлар сифатлилигининг эътирофидир...»

Раҳматулло Алихўжаев ясаган халқ истеъмоли буюмлари бир неча халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Унинг BID халқаро сифат мукофоти билан тақдирланиши андижонликлар учун фахрли. Зеро, бу мукофот олтиндан тайёрланган бўлиб, дунё ҳамжамиятида ўз нуфузига эга. Айни вақтда бу ташкилотнинг номи ва рамзлари жаҳоннинг 166 мамлакатида маълум ва машҳурдир.

Биз ҳамюрт устани юксак мукофот билан қутлаймиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАКОМИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори моҳияти ва аҳамияти ҳамда ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланиб, мониторинг ўрнатиш Адлия ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига топширилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлинмаларини қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар манфаатларини кўзлаб берган даъво аризалари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилиш белгилаб қўйилди.

Тадбирда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, Олий хўжалик суди ҳамда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Эльнура АБДУРАСУЛОВА

Республика прокуратурасида

ЧОРА-ТАДБИР БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатда 827 минг нафар ногирондан 159 минг нафари, яъни 19 фоизи вояга етмаган бўлиб, уларнинг 32 минг нафари болалар махсус тарбия муассасаларида, 20 минг нафари боғчаларда ташкил этилган махсус гуруҳларда ва 6 минг нафари уйида якка тартибда таълим-тарбия олишмоқда. Бу болаларга — ногирон болаларга янада эътиборлироқ бўлишимиз лозимлигини билдиради.

Республика Бош прокуратурасида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси ана шу масалага бағишланди.

Йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, шунингдек, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят ҳокимлари ўринбосарлари — комиссия раислари ва ушбу вилоятлар прокурорлари иштирок этдилар. Унда Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш, болаларни боғчага ва мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш аҳволи муҳокама қилинди.

Тўғри, мазкур вилоятларда бирмунча ишлар амалга оширилган. Масалан, Жиззах вилоятида ҳуқуқий тарбия аҳволини яхшилаш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят прокуратурасида илғор тажрибани оммалаштирувчи «Услубий хона» фаолияти йўлга қўйилганлиги олқишланарли ҳол.

Сурхондарё вилоятида эса ҳомийлар ёрдамида Қизириқ туманида 264 ўринли, Бойсун туманида 292, Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғида 160, Тиргарон қишлоғида 250 ва Жаробод қишлоғида 125 ўринли мактаб бинолари қуриб берилиб, уларга ҳомийлик ҳисобидан дарсликлар тарқатилган.

Қашқадарё вилоятидаги хайрли ишларни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. «Муборак газ конлари» бошқармаси ҳомийлигида Муборак шаҳрида вояга етмаганлар учун замонавий спорт мажмуаси барпо қилиниб, унга жалб қилинган 300 нафар ўсмирдан 3 нафари мамлакат ёшлар ва 2 нафари ўсмирлар футбол терма жамоаси аъзолигига қабул қилинганлиги, албатта, қувончли.

Ютуқлар ўзимизники. Аммо шу билан бирга талайгина камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, айрим комиссия раисларининг қатъиятсизлиги туфайли бу каби ижобий ишлар ҳамма жойда ҳам фаоллик билан жорий қилинмоқда, деб бўлмайди. Йиғилиш сўнгида фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш ва иш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

«ЭКОСАН» ХАЛҚАРО МИССИЯСИ — ГУЛИСТОНДА

Халқаро «Экосан» хайрия жамғармасининг нуфузли миссияси Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳрида бўлди. Жаҳондаги 11 мамлакат ҳамда халқаро фондларнинг республикамиздаги вакиллари иштирок этган бу халқаро анжуманда сирдарёлик тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли ташкилот ҳамда қўшма корхоналар намояндалари билан иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап борди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, Сирдарё вилояти ҳокими Равшан Ҳайдаров, Италия, Малайзия, Озарбайжон республикаларининг мамлакатимиздаги элчилари ҳамда бошқалар сўзга чиқдилар. Учрашувдаги мулоқотларда Сирдарё вилоятига чет эл сармояларини жалб этиш, экология, ер, сув, атроф-муҳитни тозалаш муаммолари хусусида гап борди.

Меҳмонлар Гулистон шаҳридаги «Лола-Модел», «Сарбонтекс» қўшма корхоналари, вилоят Маънавият ва маърифат маркази, шаҳардаги «Улуғобод» маҳалласи ҳамда бошқа жойларни бориб кўрдилар.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ЗАВОД ПОЙДЕВОРИ

Саксонинчи йиллар бошида ташкил этилган Навбаҳор туманида ҳалигача пахтани қайта ишлаш заводи йўқ эди. Истиқлол туфайли мазкур туманда ҳам ҳар мавсумда 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлган завод қурилишига киришилди. 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилажак бу янги завод буюртмачиси «Ўзпахтамаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, бош ҳомий эса «Ўзпахтасаноат» уюшмасидир. Қарийб 15 гектар майдонни эгаллайдиган бу корхона туманнинг Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигида барпо этилади ва шу ердаги 300 нафар маҳаллий ёшлар муқим иш ўринлари билан таъминланади. Мукаммал асбоб-ускуна ва замонавий технологияга эга бўлган бу пахта заводи 2004 йилнинг 1 сентябрида ишга тушади. Бунинг учун кенг кўламли қурилиш ишларига киришилди. Шу боис яқинда Навбаҳор туманида, яъни бўлғуси мазкур завод ҳовлисида дастлабки пойдевор ётқизилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Эркул Зикрияев ҳамда Навоий вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев иштирок этди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ГЛОБАЛ ТИИН ЧАЛЛЕНЖ» — ЎЗБЕКИСТОНДА

«Глобал Тиин Чалленж» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Қизил ярим Ой жамияти Тошкент вилоят бўлими билан ҳамкорликда Қуйичирчиқ туманининг Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида ўз марказини ташкил этди.

Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйганларни даволаш, уларни жамиятга нафи тегадиган соғлом кишилар сирасига қўшиш ушбу халқаро жамиятнинг вазифасидир.

Айни дамда бу марказда 20 нафардан зиёд бемор даволанмоқда. Даволанувчиларнинг касб-ҳунарга бўлган иштиёқи ва билимларини ошириш мақсадида дурадгорлик, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш, компьютер технологияси ҳамда инглиз ва бошқа хорижий тиллар бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Марказда даволаниб, ўз оиласи бағрига қайтганлар иштирокида тумандаги маҳаллалар аҳолиси ҳамда мактаб ўқувчиларига гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларнинг зарари хусусида суҳбатлар уюштирилмоқда.

Яқин келажакда ана шундай марказларни вилоятнинг Янгийўл ва Ангрен шаҳарларида ҳам ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



ЯНГИ МАТБАА МАЖМУИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Тошкент Матбаа комбинатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ишга туширилган янги матбаа мажмуининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида нашриёт-матбаа соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади.

Мазкур корхонага Япония ҳукумати ажратган беғараз молиявий ёрдам асосида ўрнатилган Германиянинг «Manugraph» русумли ускунаси соатига тўрт хил рангда 30 минг нусха газета-журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари босиш имкониятига эга.

— Ўзбекистон фахрланса арзийдиган қўҳна тарих ва бой маданиятга эга, — деди Японияннинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато ЎзА мухбирига. — Буларнинг ҳаммасини халқингизга, айниқса, ёшларингиз онгшуурига нечоғлик аниқ ва пухта етказишда матбаа муҳим ўрин тутади. Япония гранти асосида ўрнатилган ушбу ускуналар мажмуаси ана шу мақсадга хизмат қилади. Улар газета ва журналлардан ташқари, ранг-баранг китоблар, дарсликлар чоп этиш учун ҳам мўлжалланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

✧✧✧

Суратларда: янги нашриётнинг очилишидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ВИЖДОН

— Бугун синдирдингми кўнгилда найни,
Мулзамсан, гуноҳкор зотсан ба айни?
Оҳ, виждон уйғонди!
Сўнг йиғлаб деди:
— Кеча сотган эдим сени, оғайни...

Абдулла ОРИПОВ, 2003 йил 19 сентябрь

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — тараққиёт омили» мавзуида мулоқот уюштирди. Унда қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этдилар. Тадбирни вилоят партия кенгаши биринчи котиби О.Равшанов кириш сўзи билан очди ва демократик жамият қуришда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб вазифалари ҳамда бу борадаги тадбирлар самарадорлигини оширишнинг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ўз навбатида маърузачи биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришдаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Мулоқотда, шунингдек, вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари Д.Маъдиев, Х.Ҳамроқулов, А.Мусаев, О.Атаковлар ҳам қатнашиб, давлат ҳокимияти тармоқлари — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоясига қаратилган фаолияти ҳақида сўз юритдилар ва йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси, **Қамаши туман** марказий шифохонаси бош шифокори Абдурасул Ғофуров сайловчилар билан учрашди. Депутат йиғилганларга Олий Мажлиснинг XII сессиясида қабул қилинган қонунларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан жавоб олдилар ва амалга ошириладиган ишлар тўғрисида депутат билан фикрлашдилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Бўстонлиқ туман партия кенгаши негизида шаҳар ва туман партия ташкилотлари етакчилари иштирокида «Партия кенгашининг ҳокимлик ижроия аппарати, унинг бўлим ва бошқармалари билан ҳамкорлик қилиш амалиёти» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил қилди. Унда ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар, уларнинг самараси, фуқаролар ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш даражалари ҳақида сўз борди. Суҳбатни вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов олиб борди ҳамда ХДП Чирчиқ шаҳар, Бўстонлик, Қибрай, Тошкент ва Юқоричирчиқ туман кенгашлари биринчи котиблари Д.Азизхўжаев, Р.Махаматов, О.Тоиров, Ш.Баҳодиров ва М.Якубовлар мавзу доирасида фикрлашдилар. Тадбир иштирокчиларини Бўстонлиқ тумани ҳокими Қ.Эшонқулов қабул қилди.

Қуйичирчиқ туман партия ташкилоти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир ХДП МК томонидан вилоят партия кенгаши негизида ўтказилган минтақавий семинардан партия ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Бу ҳақда партия Қуйичирчиқ туман кенгаши биринчи котиби С.Алишев маъруза қилди. Шунингдек, йиғилишда иштирок этган Янгийўл шаҳар, Чиноз туман партия кенгашлари биринчи котиблари А.Маҳмудхонов, Т.Умаров ҳамда қатор ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари етакчилари — А.Абдусатторов, И.Ходиев, М.Отахонова ва бошқалар мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар. Йиғилишда Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, Қуйичирчиқ туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ҳ.Зокировалар сўзга чиқдилар.

Янги рукн

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Озод ва обод ватанни ҳуқуқий билимли одамларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буюк келажакни ўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар суръати ва тақдири ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий заковатига боғлиқ. Умуман, замон билан ҳамнафас бўлиш, унга жамиятда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар моҳиятини англаб етиш, ҳаётда тўғри қадам ташлаш, алданиб қолмаслик, ютқазмаслик, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билиб, ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий малака керак бўлади.

Таҳририятимиз шу мақсадда «Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?» рукнини очишга қарор қилди. Сизни қизиқтирган саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Меҳнат шартномаси қандай сабабларга кўра бекор қилинади. (А.Жўраев, Сурхондарё вилояти).

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 97-моддасига асосан меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

1. Тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
2. Тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
3. Муддатнинг тугаши билан;
4. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
5. Меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт қонунда йўл қўйиладиган ҳоллардагина тарафлар томонидан меҳнат шартномасида кўрсатиб қўйилиши мумкин.

6. Янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

САВОЛ: Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилаётганда ходимни қандай муддатларда ва қандай тартибда огоҳлантириши кўзда тутилган. (С.Маматов, Навоий вилояти).

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш мақсади борлиги тўғрисида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

1. Меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда (100-модда, 2-қисмининг 1-банди) камида 2 ой олдин;
2. Меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда (100-модданинг 2-қисми, 2-банди) камида 2 ҳафта олдин.

Ходим билан иш буюрувчи ўртасидаги келишувга биноан, ушбу модда 1-қисмининг бир ва икки бандларида назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Агар ишбайли хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи бандида назарда тутилган огоҳлантириш қўлланилмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади. Корхона мулкдори алмашганлиги туфайли шу корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, (100-модда, 2-қисмининг 6-банди) янги мулкдор раҳбарни меҳнатга оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чекилиб) огоҳлантирилиши ёки унга шунга мутаносиб равишда компенсация тўланиши шарт.

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (100-модда, 2-қисмининг 3-4 бандлари) иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида 3 кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб равишда компенсация тўлайди.

Огоҳлантириш муддати давомида меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно қилганда, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугаганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод қилиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатилган ҳолда бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

Ҳуқуқий ислоҳот

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲУҚУҚИЙ СТРАТЕГИЯ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза этишда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари алоҳида мавқега эга. Суд қонунларни қўллашда ва адолат мезонларини таъминлашда беқиёс роль ўйновчи демократик институтдир. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек муқаддас вазифани самарали адо этиш, давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёни албатта, суд тизимига ҳам тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган вазифалар мажмуи судлар фаолиятига юклатилган экан, судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги ваколатларини кенгайтиришга оид масалаларни ҳал этиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий талабидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим».**

Сўнгги икки йил давомида «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши, судларнинг ихтисослашуви судлар фаолияти имкониятларини яна кенгайтирди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни ўтказиш бўйича бошланган ишларни жадал давом эттириш хусусида сўз юритиб, судларнинг мустақиллигини таъминлашга, судъяларнинг мавқеини янада мустаҳкамлашга тўхталдилар. Бу борада бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга қаратилган нуфузли дастур ишлаб чиқилганлигини, унда белгиланган кенг қамровли вазифаларни бажариш устида жадал ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг замонавий стратегиясини яратди. Ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла маънода ҳимоя қилишга қаратилган, халқимиз маънавий дунёси ҳамда одоб-ахлоқ мезонларига асосланган бир қанча қонунлар қабул қилинди. Лекин ҳаётимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳозирги аҳволни танқидий баҳолаб, уни изчиллик билан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Маълумки, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар бир ишни оқилона ҳал этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ноҳақ айбланишининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Мазкур вазифаларни ҳал этишда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисилаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мамлакатимиз ҳуқуқий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. 2001 йил 18 октябрдан эътиборан амалга киритилган мазкур қонуннинг моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда асосан шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш вазифаси назарда тутилади. Шунингдек, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши судларнинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашдаги кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Либераллаштириш натижасида жиноят ишларини кўриш жараёнига киритилган яраштирув институти инсон тақдирини ҳимоялаш воситаси сифатида майдонга чиқди. Ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қуйидаги шартлар мавжуд бўлишини талаб этади:

Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-прим моддаси жабрланувчини жиноят содир этган шахс билан биргаликда ўзаро келишувини талаб қилиб, ярашув тўғрисидаги келишув суриштирув, тергов органлари ва судга жабрланувчи томонидан тақдим этилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги аризаси асосида расмийлаштирилади ёки жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги хулосани чиқаришга олиб келади.

Иккинчиси, мазкур жиноятни шахс илк содир этган бўлиши лозим ва унинг таркиби бевосита ЖКнинг 66-прим моддасига мос бўлиши шарт.

Учинчиси, айбдор шахс ўзи томонидан жабрланувчига келтирган жисмоний, маънавий ва мулкий зарарни тўла қоплаган бўлиши керак.

Тўртинчи, айбдор шахс ўз айбига иқрорлигини ва ярашувга розилигини билдириши шарт.

Яраштирув гарчанд дастлабки терговни олиб борувчи барча жиноят процесси субъектлари томонидан қўлланилиши лозим бўлса-да, ҳозирги вақтда бу институт кўпроқ суд органлари томонидан қўлланилаётганлигини амалиёт кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, буни масалан тергов давридаёқ амалга ошириш мумкин. Тажрибадан келиб чиқиб, мазкур инсонпарвар институт тизимига яраштирувчи томонни киритиш тўғрисида таклифни ўртага ташламоқчимиз. Яраштирувчининг мақоми ва фаолиятини қонунлаштирган ҳолда яраштирув жарёнида иштирок этишини таъминласак, суднинг ишида қулайлик ҳамда енгилликлар яратилар эди. Фуқаролар эса судгача овора бўлиб юришмасди.

Фикримизга якун сифатида шуни айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳозирги ўзгаришлар ҳуқуқий-демократик жамиятни қуриш йўлидаги дастлабки дадил қадамлардир. Ҳар бир жамият мукаммаллик сари интилар экан, бу борада қилинажак ишларимиз ҳали бисёр эканлигини англашимиз ва интилишимиз зарур.

Салоҳиддин САХАДДИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раисининг ўринбосари

Тақдимот

ЧЕККА ҲУДУДДА ЯНГИ МАКТАБ

Наманган вилоятида халқ таълими тизимида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 670 дан ортиқ мактабда илм олаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Яқинда Поп туманидаги «Истиқлол» қишлоғида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Мазкур қишлоқ туманнинг энг чекка ҳудудида жойлашган бўлиб, бу ерда 110 дан ортиқ хонадон бор. Мактаб биноси йўқлиги сабаб ўқувчилар яқин-яқингача кўримсиз, ночор мактабда ўқишарди.

Ўтган йили бу ҳолат вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан назоратга олиниб, янги мактаб биноси қурилиши белгиланганди. Қиска муддат ичида замонавий, барча қулайликларга эга, шинам ва кўркам иншоот қад ростлади.

«Истиқлол» қишлоғидаги 61-ўрта мактабнинг очилиши чинакам тантанага айланиб кетди. Маросимни Поп тумани ҳокими Р. Исматуллаев очди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилди. Тантанада сўз олган вилоят ҳокими Т. Жаборов Юртбошимиз, республика ҳукуматининг ёш авлодга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликларига тўхталиб, қишлоқ аҳлини янги ўқув маскани билан қутлади ва вилоят ҳокимлигининг совғаси — энг сўнгги русумдаги компьютерни мактаб жамоасига топширди.

Маросимда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Н. Бобоев ҳукумат комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар, ёшларга кўрсатилаётган эътибор хусусида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, ҳукумат комиссияси раиси Р. Қодировнинг мактаб жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, ҳукумат комиссияси томонидан илм даргоҳи кутубхонаси учун ажратилган янги китобларни тухфа қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 250 ўринга мўлжалланган янги масканда ўқувчи-ёшларнинг пухта илм олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Умуман, ҳукумат комиссияси ўз фаолиятини бошлаганидан буён ўтган уч йил давомида биргина Наманган вилоятининг ўзида 14 та мактаб прокуратура органлари томонидан оталиққа олиниб, улар қайтадан тўлиқ таъмирланди ва моддий-техник базалари мустаҳкамланди. Поп туманидаги бу янги билим маскани эса қишлоқ аҳлига, ўқитувчи ва ўқувчиларга мустақиллик айёми арафасида муносиб совға бўлди.

Шуҳратбек ДЕҲҚОНОВ

Суратларда: мактабнинг очилиш маросимидан лавҳалар.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан

БУ ЖОЙЛАР, ТОҒЛАР ОНУ ЖАҲОНИМИЗ

Йиллар давомида топталган, аёвсиз талон-торож қилинган она-табиат қисматига бундан буён бефарқ қараб туролмаймиз. Зеро, Ватанимизга ўзимиз эгалик қилаётганимизга ўн икки йилдан ошяпти. Атрофимиздаги гўзалликларнинг қолган-қутганларини кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз, бой берилганларининг эса ўрнини тўлдиришимиз шарт. Шундай қилмасак, келгуси авлод биздан ҳеч қачон рози бўлолмайди.

Худди шундай олижаноб мақсад йўлида юртимизда Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ташкил этилди. Бу даргоҳ Мустақиллигимиз билан баробар одимламоқда, оёққа мустаҳкам туриб олиб, йил сайин чирой очиб боряпти. Нафақат Ватанимизда, балки ҳудуди катталиги жиҳатидан турдошлари орасида жаҳонда ягона саналган Миллий боғ 574,6 минг гектар майдонни эгаллаган. Бу боғ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларидаги Қоржонтов, Угом, Пском, Чотқол тоғ тизмалари оралиқларига жойлашган. Узоқ йиллар қаровсизлик оқибатида ғоят орқага кетган Ғарбий Тян-Шань бағрида, хайриятки, хануз Қор қоплони, Мензбир суғури, Оқ тирноқли қўнғир айиқ, Туркистон силовсини, ўн тўрт хил сут эмизувчилар, ўн икки хил судралиб юрувчилар, юздан ортиқ қуш ва ўн бир хил балиқ турлари сақланиб қолган экан. Шунингдек, Миллий боғ ҳудудида икки мингдан зиёд ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги дориворлардир. Агар қўшимча қатъий чоралар кўрилмаса табиатдаги бу дурдоналарни ҳам бой бериш хавфи борлигини ўз вақтида тушунган ҳукуматимиз раҳбарлари 2001 йил махсус қарор асосида ўрмон хўжаликлари ҳамда Чотқол қўриқхонаси сингари ўз ҳолича ишлаётган ташкилотларни Миллий боғ бошқармаси тасарруфига ўтказди. Ўз навбатида унумли меҳнат учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари тўрт бараварга, моддий-техник база яратиш учун сарфланадиган маблағ олти баробарга оширилди. Тошкент вилояти ҳокимлиги ёрдами орқали Б-170 маркали бульдозерлар, МТЗ-82 тракторлари, УАЗ маркали автоуловлар ва бошқа техник асбоб-анжомлар сотиб олинди. Миллий боғ жамоаси ҳақиқий фидойилар ҳисобига қайта ташкил этилди. Шундай қилиб, улар шиддат билан ишга киришдилар...

Астойдил олиб борилган ҳаракат қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлади. Бинобарин, 2000 йилга қадар 232 гектар ўрмон яратилган бўлса, 2002 йилнинг ўзидаёқ 284,2 гектар майдонда яшил бойлик ўстириладиган бўлди. 2003 йил охиригача 300 гектар ўрмон ташкил этиш учун курашилмоқда. Кейинги икки йил давомида 13 минг 560 гектардаги ёш ўрмонларга ишлов берилиб, 14,6 гектар майдонга алоҳида арча кўчатлари ўтказилди. Миллий боғ кўчат ўстирувчилари икки миллион донадан ортиқ ниҳол етиштирдилар. Халқимиз саломатлигини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшаётган бунёдкорлар 87 тонна доривор ҳам тайёрладилар...

Миллий боғнинг баланд тоғлар орасидаги таянч нуқтаси бўлмиш Қоронғи Тўқай сари жўнадик. Дастлабки кун Пском қишлоғига етиб олишни режалаштирган эдик. Аммо ярим кун вақтимиз Сижжак қишлоғидаги тартиббузарлар «ковушини тўғрилаб қўйиш»га сарф бўлди. Маълумки, Чорвоқ денгизи соҳилларида юз метрли оралиқ масофа ҳар қандай қурилишлардан мутлақо ҳоли бўлиши шарт. Бу қарорни суиистеъмол қилган «Полёт» қўшма корхонаси раҳбари денгизга тақаб хусусий оромгоҳ қуриб олган экан. Бўстонлиқ туман ҳокимлиги раҳбарлигида оромгоҳ вагонлари махсус майдончали автоуловларга юкланиб, Миллий боғ ихтиёрига жўнатилди. Мусаффо денгиз бир «ғурбат»дан халос этилди...

Қуёш ғарбдаги осмонўпар чўққилар ортига тушиб бораётганда Пском дарёси бўйлаб жўнадик. Биз мўлжалга олган Пском қишлоғига қадар катта-кичик ўн тўрт манзилгоҳ бор экан. Қорабулоқ, Муллало, Полвонак, Майдонтол, Курдептур, Испай, Қўшбулоқ, Кунч, Тепар, Такаёнғоқ, Жовжурак, Урунгач, Чакак, Қуруқсой ва ниҳоят, Пском. Йўллар султони бўлмиш УАЗ автоуловини Абдуғани Ғойибов моҳирлик билан бошқарар, Миллий боғ нозирлари бошлиғи Абдураҳмон Ғойибов эса рация орқали бетиним алоқага чиқиб борарди:

— 06, 05 га жавоб беринг!

— Мен — 06 эшитаман!

— Ҳудудингизда тинчлик-осойишталикми?

— Тинчлик, ҳаммаси жойида.

Шу таҳдидда муттасил йўл босиб, туман марказидан юз чақиримча олисдаги Пском қишлоғига қоронғу туша бошлаганда кириб бордик.

Пском — жуда қадимий қишлоқ. Унинг асли номи Мискон. Узоқ ўтмишда бу жойлардан ажнабийлар қимматбаҳо хазиналарни кавлаб олиб кетишган, дейишади. Миллий боғнинг Пскомдаги нозири Муллавой Неъматов хонадонида тунадик. Азонда қоронғи тўқай сари йўлга ҳозирланар эканмиз:

— Хўжа Абдулло Ансорий руҳи-покларини зиёратлаб ўтамиз-да, — деб қолди хонадон соҳиби. — Ўтмишдан қолган энг қадрли ёдгорликлар қаторида ул азиз инсон қабрини ҳам пскомликлар авайлаб-асраб келмоқдалар...

Пском дарёсининг шундоққина ўнг соҳилида кўҳна қабристон бор экан. Унга кираверишда томи шифер билан ёпилган мўжазгина бир уйча. Оддий тошлардан териб ясалган йўлак узра бориб, кичик айвонли уйга кирилади. Хонанинг ўртасида оқ мато ёпилган қабр. Наҳотки, шу қабр 1006 йил Ҳиротда туғилган буюк шоир Абдулло Ансорий жанобларига тегишли бўлса?! Китобларда қайд этилишича, 1089 йилда вафот этган бу аллома тоғлар орасидаги Пском қишлоғига қай йўл ва қандай сабаблар билан келиб қолган экан?!

Бу саволларга аниқ жавоб топилса, хайрли бир иш бўларди.

Йўлнинг мураккаби энди бошланди: Оҳолисой, Қорақизсой, Онаўлгансой, Толдиқсой, Қорабовсой... Туби кўринмас ваҳимали зовларни кесиб ўтган қалтис йўллар ҳар қандай довюрак одамнинг ҳам этини жунжиктирди. Аммо Миллий боғ шунқорлари катта шаҳарларнинг тахтиравон кўчаларида кетаётгандай хотиржам. Лекин бепарво эмас. Тез-тез учрай бошлаган каклик тўдалари ҳушёр юришни тақозо этмоқда. Чунки каклик полапонлари яширинишни хаёлларига ҳам келтирмай, қумлоқ йўл узра чопқиллайверадилар. Обдон чарчаганлари ҳолсизланиб йўл узра ҳатто ётиб қолмоқдалар. Шунда Абдуғани машинани тўхтатиб, каклик болаларини чекка-чеккага ҳайдайди...

АҚШДА БЎРОН

Икки кундирки Вашингтонда давлат ва ҳукумат идоралари, муассасалари, мактаблар, метро ва бошқа кўпгина тармоқлар ишламаяпти. Бунга сабаб АҚШда давом этаётган кучли «Изабел» бўронидир. CNN телекомпанияси хабарига кўра, 2,8 миллион оила электр энергиясиз қолди. Бу рақам яна 3,5 миллионга етиши мумкин.

Ёмғир аралаш довулу бўрон ҳозир Рио-Уэст шаҳридан Вашингтон шимолига қараб йўналиш олган. У Пенсильвания ва Нью-Йорк штатларигача етиб бориши мумкин. Унинг зарари улканлашиб бормоқда.

Вашингтон яқинидаги Александрия шаҳридан ўтувчи Потомак дарёси ўзанидан тошиб кетди, дея хабар беради Associated Press агентлиги. Маҳаллий ҳокимият қум солинган қоплардан баррикадалар ясаб, тошқинни тўхтатмоқчи бўлишди, бироқ бу ҳаракатлар самара бермади.

Мамлакат пойтахтидан 300 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди. Вашингтон кўчаларида автомобиллар ҳаракати тўхтатилди, барча аэропортлар ёпилди, ҳатто поездлар ҳам тўхтаб қолди.

Шаҳарларда кўплаб дарахтлар қўпорилган, симёғочлар, светофорлар қулаган. Давлат ташкилотларидан фақат тезкор ёрдам ва почта хизматигина фаолият кўрсатмоқда.

Президент Буш ҳозир Кемп Дэвиддаги қароргоҳида. Шу бўрон сабаб АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Швецияга ташрифини қолдирди. У Швеция ташқи ишлар вазири, марҳум Анна Линднинг мотам маросимида қатнашиши лозим эди.

Метеорологларнинг фикрича, 24 соат ичида бўрон эпицентри Шарқий Виржиниядан Ғарбий Пенсильванияга ўтади. Аммо бўроннинг майдони катта (Италия ҳудудига тенг ҳудудни қамраб олган) бўлгани боис қалтис вазият бир неча муддат сақланиб туради.

Эслатиб ўтамиз: «Изабел» бўрони АҚШнинг денгизга туташ шарқий қирғоқларидан бошланган. Ўшанда унинг тезлиги секундига 40 метрга етган. Бўрон Шимолий Каролина штатига етиб боргач, тезлиги секундига 36 метрни ташкил этган. Ҳозир унинг тезлиги аста пасайиб бормоқда. Бўрон сабаб ҳаётдан кўз юмганлар етти кишига етди.



Энергетикларнинг фикрича, Вашингтонда электр таъминотини йўлга қўйиш учун камида бир ҳафта муддат керак. Улар ҳали бундай бузғунчи бўронга дуч келишмаганини эътироф этишмоқда.

Қуллик меҳнатидан озод қилинди

Бразилиянинг Меҳнат вазирлиги инспекторлари Багия штатининг жануби-шарқидаги қаҳва етиштириш майдонларида қуллик шароитида эксплуатация қилинаётган 849 нафар хизматчини озодликка чиқарди, дейилади BBC News хабарида. Инспекторларнинг айтишича, улар бир вақтнинг ўзида шунча одамни озодликка чиқариши биринчи марта рўй бериши. Бу мамлакатда мавжуд бўлган қуллик меҳнат шароитига қарши кураш ҳаракатининг натижасидир.

Йил бошидан бери Бразилияда 2000 дан ортиқ хизматкор қуллик даражасидаги меҳнатдан озод қилинган.

Шуниси ачинарлики, кўпгина донғи кетган фермерлар ишчиларни қул қилиб ишлатмоқда. Бу ишчилар қаҳва майдонларида капа қуриб, жуда оғир шароитларда яшашмоқда. Озод қилинганларнинг кўпчилиги турли касалликларга чалинган.

Бразилияда қуллик даражасидаги ишчи кучидан асосан Амазонка дарёси бўйларидаги ўрмонларни кесишда фойдаланилмоқда.

Меҳнат вазирлиги инспекторлари хизматдан озод қилинган ишчиларга фермерлар томонидан товон пули тўланишини ва улар уйларига етиб олишлари учун транспорт ажратишларини талаб этди.

Ислоҳот ва масъулият

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОНИЯТ ИЗЛАШ КЕРАК

дейди Денов туманидаги Шоқул Худойназаров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Номоз ХУДОЙНАЗАРОВ

Илғорлик замирида машаққатли меҳнат ва тинимсиз изланиш ётади. Буни тўғри англаган инсон эса ҳеч қачон ютқазмайди. Шундай бўлгач унумдорлик ортади, барака келади. Денов туманидаги Шоқул Худойназаров номли ширкат хўжалиги ҳақида сўз кетганда кўпчилик ушбу жамоани нафақат туманда, балки вилоятда ҳам илғорлар сирасидан эканлигини рўй-рост тан олади. Тўғри-да, аҳолининг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Яшаш шароити тубдан ўзгармоқда. Меҳнатга яраша манфаатдорлик ҳам юзага чиқяпти. Ўтган йилнинг ўзида 375 миллион сўм даромад қилган жамоа аввало аҳоли яшаш шароитини яхшилаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Хўжалик ҳудудида сартарошхона, суратхона, қассобхона ҳамда қатор савдо дўконлари фойдаланишга топширилди. Учта мактаб қайта таъмирланди. 32 миллион сўмга Россиядан иккита «Олтой» ҳайдов трактори ва кўплаб эҳтиёт қисмлар олиб келинди.

— Биласизми — дейди бошқарув раиси Номоз Худойназаров ўз мулоҳазаларини билдириб, — бугун ҳар бир киши ишбилармон ва тадбиркор бўлмоғи даркор, деб ўйлайман. Аксинча, «...эгасига етгунча» қабилида иш юритиладими, «синиб» қолиш ҳеч гапмас. Давр кундан кун ўзгармоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафидан ўзига хос ўрин олишга интилаяпмиз. Демак, кўп ва самарали меҳнат қилишимиз зарур. Мана, 2002 йилда ҳар гектар ғалла майдонидан ўртача 61,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил 70 центнер бўлди. Пахтадан эса 40 центнерни кўзлаб турибмиз. Шунинг ўзиёқ ривожланишимизга бош омил бўлмоқда. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлмайди... Баҳонани бир четга қўйиб, имконият излаш керак. Қолаверса, хўжалигимизда оилавий пудрат ва фермерларга қулай имкониятлар яратилган. Халқимиз қанча бой бўлса, демак юрт ҳам обод бўлади.

— Ўн уч йилдан буён хўжаликни бошқараман — сўзида давом этди бошқарув раиси. — Трактorчи бўлдим, зироатчилик қилдим. Ҳисоб-китобу тадбиркорлик... дегандай. Хуллас, имконият излаган киши хор бўлмаскан. Тан олиш лозим, кечаги кун билан бугунни асло қиёслаб бўлмайди.

— Тажриба, ишбилармонлик, эртани кўра билиш — булар ҳамма инсонга хос фазилатлар — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдусамад ҲОЖИҚУЛОВ. — Ўтган йилнинг 5 майида ёққан дўл хўжалик пахта майдонининг аксарият қисмига зарар етказди. Қайта чигит экиш, сарф-харажат, устига-устак турли оворагарчилик... Самарали меҳнатнинг пировард натижаси эса йил якунида биз кутгандан ҳам юқори бўлди. Режа қисқа фурсатларда ортиғи билан уддаланди. Кейин билсак, бунинг ҳам ўзига хос синоати бор экан. Раис бобомиз Жарқўрғон туманидан 687 тонна «Бентанет» ўғити олиб келиб, пахта эгаларига «улашган» эканлар. Бу йил эса минг тонна ўғит тайёр. Кўриб турганингиздек, ишлайман деганга муаммо бўлиши мумкин эмас...

Хўжаликнинг қай бир соҳасини олманг, ишлар кўнгилдагидек. Ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда меҳнат қилинмоқда. Мақсад — сарф-харажатни камайтириб, олинган фойдани меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигига йўналтириш. Шундан бўлса керак, ширкатнинг корхона ва ташкилотлардан қарзи йўқ.

Тўғри, иш бор жойда муаммолар бўлиши ҳам муқаррар. Аҳоли юз фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса-да, табиий газ масаласи ҳануз муаммолигича қолмоқда. Шаҳар марказидан 16 километр олисда жойлашган ушбу хўжалик ҳудудигача қувур тортилмас экан, масала ўз ечимини топа олмайди.

— Хўжалигимизгача учта жамоа мавжуд — дейди бош иқтисодчи Исроил ПОЁНОВ. — Уларда ҳам «зангори олов» порласа, ишонч билан айтаманки, бир ойдаёқ аҳолининг бу мушкули ўз ечимини топади. Шу ўринда яна бир гап: йил охиригача хўжалигимизда 13 километр газ қувурлари тортилади. Бугунги ҳаракатимиз эртага ўз самарасини беради, албатта.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУҲАББАТДИР ҲАЁТНИНГ БОШИ

Замин айланади. Ҳаёт давом этади. Муҳаббат, эзгулик туйғулари абадий яшайди. Аслида инсон ўз умри мобайнида кимдандир меҳр-мурувват кўради, кимнингдир кўнгил гулзоридан баҳра олади. Бировдан ўрганиб, кимгадир ўргатиб умргузаронлик қилади.

Ҳаёт йўлингда учраган азиз одамларнинг унутилмас ёрдамлари, бир оғиз ширин сўзи, ҳеч бўлмаганда сенга хайрихоҳ мунис кўзлари ёдинг дафтаридан ўчмайди.

Иқтидорли журналист, ҳам сурати, ҳам сийрати гўзал қалам соҳибаси Умида Файзиева ҳамкасблари, шогирд, дўстлари орасида ҳурмат ва эътибордаги инсон. У қаерда, қандай лавозимда ишламасин ҳаёт фалсафаси битта, одамларга яхшилик қилиш. Мунис, дилбар қизларни назокатга, ибога, ширин сўзга ошно этиш. Атрофдагиларга меҳр улашишдир. Опа билан бирга ишлаганлар ундаги бу фазилатлар Умидахонимнинг отаси қутлуғ хонадон соҳиби, ўзбек адабиётининг дарғаларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийдан ўтган дейишади. Оқибат, қадр туйғулари ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келувчи азалий қадриятлардир. Ота изидан бораётган Умидахон салкам 30 йилдан буён ўзбек матбуотига ҳалол, покиза хизмат қилиб келмоқда. «Халқ сўзи» газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Файзиеванинг журналистик фаолияти, босиб ўтаётган ҳаёт йўли, матбуотимиз эшигидан бугун қадам ташлаётган ёшларимизга ўрнак бўла олади. Зеро, шоир айтганидек:

Инсон билан, тирикдир инсон,
Муҳаббатдир ҳаётнинг боши.
Одамларга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Қадрият — ўзликни англаш

АЖДОДЛАР АБАДИЯТИ — АВЛОДЛАР АЗИЗ НИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қабр икки метр девор билан ўралган. Унга ўрнатилган мармар лавҳа кўмилиб кетган. Қаровсиз қабрнинг кимники эканлигини маҳаллий халқлар ҳам билишмайди. Экспедиция томонидан сағана деворига Мавлоно Лутфийнинг номлари битилган мармар тош ўрнатилди.

Шунингдек, Ғазна шаҳридаги Абу Райҳон Беруний, Камолиддин Беҳзод, Боборахим Машраб қабрларининг бугунги аҳволи ўрганилди. Уларни қайта тиклаш юзасидан маҳаллий ҳокимиятлар билан музокаралар олиб борилди.

Ҳиротдаги Мусалло майдонида халқимизнинг дунё олдидаги фахри ва ғурури бўлган Ҳазрат Мир Алишер Навоий ва унинг сафдоши шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро ҳамда Гавҳаршодбегим қабрлари бор. Бу муқаддас қадамжолар Афғонистонда юз берган салкам чорак асрлик уруш давомида вайронага айланди. Уни тиклаш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу мажмуа 2004 йилда қуриб битказилади. Ҳукуматимиз томонидан ушбу юмушга мутасаддилар белгиланди. Афғонистондаги уруш нафақат тирикларни, балки марҳумлар руҳини ҳам таҳқирлади. Айниқса, сўнгги йилларда бошқарувни қўлга олган толибонлар ҳаракати томонидан Боғимиёндаги Будда ёдгорлигининг портлатиб юборилиши, қадим меъморий обидаларнинг вайрон қилиниши инсоният тарихидаги энг мудҳиш жиноятлардан биридир. Уруш нафақат шаҳару қишлоқларни, балки инсон қалбини ҳам вайрон қилишига экспедиция аъзолари яна бир бор гувоҳ бўлдилар.

Боболар қадамжоларини тиклаш, уларнинг инсоният олдидаги хизматларини эътироф этиш бугун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу муҳим ишлар ватанимиз ҳудудларидан ўтиб чет элларда ҳам давом этмоқда. Ушбу хайрли, эзгу ишларни амалга ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан махсус қарор қабул қилинди. Нуфузли комиссия тузилди. Президентимиз қўшни давлат раҳбарлари билан бу тўғрида келишиб олдилар.

Зокиржон Машрабов, экспедиция бошлиғи: — Биз Афғонистонда икки марта Алишер Навоий ижодига бағишланган анжуманда иштирок этдик. Қайта тикланаётган афғон диёрида ҳамюртларимиз томонидан қурилган кўприклардан ўтдик. Бизга афғон дўстларимиз Мавлоно Анбарий, Муҳаммад Анварлар ёрдам бердилар. Қандаҳор шаҳрида Бобур томонидан тикланган иморатларнинг бугунги аҳволи билан танишдик. Кобулда Бобур мақбараси атрофида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Президентимизнинг шахсан ўзлари мана шу ишларга раҳнамолик қилмоқдалар. Биз ҳам ҳали кўп изланишлар олиб боришимиз керак.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқалар ватанимиздан ташқаридаги аждодларимиз қабрини аниқлаш ишларида кенг жамоатчиликни, зиёлиларни жалб этиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

Йиғинда иштирок этганлар экспедициянинг ишларини юқори баҳолаб, ушбу савобли юмушдан бутун халқимиз четда турмаслигини, моддий ва маънавий кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳали яна қанча қилинадиган вазифалар бор. Бир сўз билан айтганда, бу бизнинг башарий бурчимиздир.

Фаррух ҲАМИДУЛЛО

МУЛОҚОТ МАВЗУСИ — КОММУНАЛ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни матбуотда чуқур ёритишни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган анъанавий журналистлар ўқувининг навбатдаги машғулотида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш жараёнлари кўриб чиқилди.

Машғулотларда тармоқ тизимида ишлаб чиқилган концепция ижроси, коммунал тўловлар тарифи, ишлаб чиқаришнинг камайтирилган харажатлари ва аҳолининг ичимлик сув ҳамда газ билан таъминланиш даражасига оид қатор саволларга «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги билан Молия вазирлиги мутасаддилари жавоб беришди.

Ўқув иштирокчилари ислоҳотлар стратегияси, механизми, босқичлари ва маскур йўналиш муаммоларининг ечимлари йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот олдилар.

Римма БЕКУЗИНА

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказиладиган марказлаштирилган электрон Биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Беш-ёғоч» бозорида жойлашган «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси тизимига кирувчи «М-Бек» кичик давлат корхонаси мулкий мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 23 123,1 минг сўм.

Мазкур объект бошланғич баҳосига қўшимча равишда корхонага камида 10,0 млн. сўм миқдорида сармоя киритиш, корхонанинг бухгалтерлик балансидаги 2003 йил 1 июль ҳолатидаги 9085,0 минг сўм миқдоридаги мажбуриятларни қоплаш ва корхонанинг фаолият турини (нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш) ўзгартирмаслик шартларида сотилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44,8-хоналар, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17
сайт: www.uzrkmb.com
Лицензия рақами: 000004

— Кўпдан буён бу томонларда милтиқ отилмаган шекилли? — дедим мен ҳайратимни яширолмай. — Чет давлатларнинг энг зўр қўриқхоналарига тенглашиб бораётганга ўхшаймиз!

Миллий боғ нозирлари бошлиғи Абдурахмон Ғойибов рад оҳангида бош чайқади:

— Уларга тенглашишимиз учун ҳали кўп қовун пишиғи бор. Қани энди Қизил китобга киритилган айиқ, силовсин, қоплон, тўнғиз, кийик каби жониворлар ҳам мана шу какликлардек теварак-атрофимизда бемалол ўралашиб юрса!

— Уларни ҳалиям отишадими?

— Отмаса-да, бошқа минг хил усул билан овлайдилар. Бурчимуллалик Сотил Исмоилов шу йил баҳорда ёш айиқни тузоққа илинтириб, сўйиб олиб келаётганда нозирларимиз Толибжон Собиров ҳамда Абдуғани Ғойибоп томонидан ушланди. Бу қилмишга биринчи бор қўл ургани туфайли бир ярим миллион сўм жарима ва товон тўлаб қутулди. Агар яна такрорласа, албатта қамоқ жазосига гирифтор бўлади. Бундайлар ҳаливери инсофга келмайди. Мана, тепарлик Шамшибек Боймирзаев ёввойи чўчқа, бурчимуллалик Ўктамбой Маҳмуджонов кийик отганлари учун 400 минг сўмдан жарима ва товон тўладилар. Чимёнлик Тўлаган Мамитов қоп-қоп матар тергани эвазига 40 минг, Ғалвасой ҳудудининг Учтерак қишлоғида яшовчи Олмагул Абдуллаевага дарахт кесгани учун 50 минг сўм жарима солинди. Энди буёққа қаранг, анави какликнинг бечорада қанча гўшт бор экан? Битта какликни ноқонуний овлаган Зоир Пирметов 4 минг 535 сўм жарима, 13 минг 605 сўм товонга тушди! Салкам 20 минг сўмга қарийб ўн кило гўшт сотиб олса бўлади-ку, ахир! Йўқ, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай, улар албатта табиатга қирон солишлари керак!

Оғир ва босиқ табиатли Абдурахмон жаҳли қўзиб, овози баландлашиб борарди: — Балиқларга қирон солаётганларни айтмайсизми?! Яширинча тўр ташлаб, тунда ов қилишади бу олғирлар! Кечаси текширувчилар текширишдан қўрқади, деб ўйлашади ўзларича. Бу йилнинг бошидан бери Чорвоқ сув омбори бағридан 500 метрдан зиёд тўрни тортиб олдик. Шундай қонунбузарликлардан бири бўлмиш Бахтиёр Худойберганов 5440 сўм жарима, 32 минг 680 сўм товон тўлади! Биз уларга қарши курашларимизни ҳеч қачон тўхтатмаймиз, қачонки қонунбузарлар тавбаларига таянмагунча!..

Шу ўринда Миллий боғ бош директори Абдукарим Абдужамиловнинг катта бир йиғиндаги кескин гапи ёдимга тушди: «Агар менинг ўғлимми, укамми ёки бирон яқин қариндошимми... табиатга тажовуз қилиб қўлга тушса қонун асосида аямай жазолайберинглар!... Одамларнинг онгида ўзгариш бўлмаса кўзлаган эзгу ниятларимизга ҳеч қачон эришолмаймиз. Одамларга табиатга нисбатан кўр-кўрона муносабат ҳукм сурмоқда. Қани эди, кейинги йиллардан бири Табиатни муҳофаза қилиш йили, деб аталса!..

Қоронғи Тўқайга тушга яқин етиб бордик. Угом дарёси бу жойда уч тармоққа бўлиниб кетар экан: Чоролма, Ойгайин, Майдонтол... Миллий боғнинг Ойгайин бўлимига ихчам ва чайир гавдали, кўзлари чақнаб турувчи камгап йигит Бегали Тўйчиев бош-қош. У тўққиз нозир ва йигирма беш ишчи-хизматчи тақдирига жавобгар. Жавобгар дейишимизнинг боиси шундаки, биринчи қор тушгани заҳоти ойгайинликлар то баҳор ўрталари, ҳатто баъзан баҳор охирига қадар катта ердан узилиб қоладилар. Улар билан фақат вертолёт орқали алоқа боғлаб турилади. Шунинг учун ҳам бутун ёз давомида қишга пухта ҳозирлик кўриб бориш лозим.

— Бу жойлар нега Қоронғи Тўқай, дейилади?

— Аввалари теварак-атроф, айниқса анови Чоролма дарёси соҳиллари чинакам қоп-қоронғи тўқайзордан иборат бўлган экан. Айиқ, силовсин сингари жониворлар шу хилватларда кўпайишиб қишлаганлар. Кейинчалик одамлар қўлларида болта, милтиқлар билан боришиб қоронғи тўқайларни ёритиб юборганлар, — жавобни қисқа қилди Бегали. — Биз шу жойларни тағин аслига қайтармоқчимиз.

— Ҳа, ўтмишимиз жуда тутуруқсиз ва ачинарли эди, — унинг гапини давом эттирди нозирлар бошлиғи. — Қаророрлар қоғозларда қолар, юқоридагиларнинг қонунга зид ҳар қандай инжиқликларини бажаришга мажбур эдик. Бунинг натижасида шундоққина кўз ўнгимизда Ғарбий Тян-Шаннинг бетакрор табиати инқирозга юз тутиб борарди. Худога шукр, давлатимиз мустақил бўлиб, ҳамма нарса ижобий томонга ўзгарди. Мана, бутун умри давомида Бурчимулла ўрмон хўжалигида ишлаб келган Абдулҳамид ота Аҳмедов, қирқ йилдан зиёд ҳаётини табиат муҳофазасига сарфлаган Александр Давидович Мох, йигирма йилдан буён дарёлар ҳолатини кузатиб юрувчи гидрометереолог Холмурод Норжигитовлар айтишсин, аввалги аҳвол билан ҳозирги шароит орасидаги фарқни...

— Бизлар шаҳардаги энг ҳашаматли биноларда ҳам яшай олмаймиз, бари бир, тоғларга интилаверамиз, — дейди қоратўри, ўктам овозли, истараси иссиқ Холмурод ўта ҳис-ҳаяжон билан.

Чўққиларнинг бир-биридан гўзаллигини қаранг: ҳар қайсиси ҳар хил. Анови кунботардагиси Оқбелас. Унинг бағрида биронта дарахт ё ўсимлик ўсмайди: нуқул силлиққина оқ қоялар. У тўрт фаслда ҳам сира ўзгармайди, бир хил турaверади. Тоғнинг нарёғи Қозоғистон. Қарама-қаршидаги манови Тераксой эса бутунлай бошқача! Бағрида жилваланаётган булоқларга қаранг! Тераксой ҳамиша яшил бойлик билан ясангани-ясанган. Бу жойлар, бу тоғлар бизнинг жону жаҳонимиз! Нозирлар бунақа тоғларни бир шиддат билан пиёда кезиб чиқишади, жон-дилдан қўриқлашади. Керак бўлса кечаю кундуз бетўхтовга йўл босишимиз мумкин. Ана, Толиб Собиров воқеасини айтинг, Абдурахмон ака!

Нозирлар бошлиғи майингина жилмайди. Бир қалтис вазият туғилиб қолганда рация орқали хабар топган нозир Толиб Собиров Қоронғи Тўқайдан Испак қишлоғига қадар бўлган олтмиш чақиримдан зиёд масофани ўн икки соат давомида босиб ўтиб, махсус топшириқни аъло даражада бажарган экан! Ҳар доим, ҳар қандай шароитда ўз ўрнида ҳозиру нозир Асомиддин Низомов, Бегмат Эрматов каби шунқорларга қанча тасанно айтса арзийди. Оҳангаронлик ва паркентлик нозирларни бошқараётган Ҳусниддин Турсунов, Хурсанд Маткаримовлар ҳам зиммаларидаги бурчларини виждонан адо этиб, ўз тасарруфидаги ҳудудларни ҳар тарафлама тўкис масканга айлантирмоқдалар. Миллий боғ жамоасининг мақсади битта: қўриқланаётган ҳудудни нафақат жаҳондаги энг етук турдошлари қаторига кўтариш, балки улардан ҳам ўздиришдир. Олға силжиш эса асосан тушаётган даромадга боғлиқ. 2001 йил Миллий боғ жамоаси 25 миллион икки юз етмиш олти минг сўм соф фойда олган бўлса, 2002 йилги бу борадаги кўрсатгич 118 миллион 950 минг сўмга етди. Бу йил айниқса яхши натижага эришиш кўзда тутилмоқда. Яқин келажакда Миллий боғ маданий хордиқ чиқарувчилар ва жаҳон туристларини ўз бағрига олмоқчи. Шу мақсадда аниқ маршрутларни белгилаб олиш, пиёда, отда, сувда ва автомашиналарда сайр этиш масалалари пухта ишлаб чиқилмоқда...

Сафаримизнинг учинчи кунида Миллий боғдан қайтар эканмиз, йўллар султони УАЗ ҳам бардош беролмади: узатув қайишлари бирин-кетин узилиб тушди. Кеч кириб борарди.

— Аро йўлда қолиб кетамиз, шекилли?

Абдурахмон Ғойибов мутлақо хотиржам эди. У менга кулимсираб боқди-да, радиотелефонни қўлига олди:

— Бурчимулла, 05 ни эшитяпсизми?

— Эшитяпман, ўртоқ бошлиқ!

— Машинамизнинг узатув қайишлари узилди, ёрдам керак!..

Ярим соат ўтар-ўтмас азамат йигитлар керакли эҳтиёт қисмларни етказиб бердилар. Биз йўлда давом этар эканмиз, нозирлар бошлиғи мен сари энгашиб:

— Радиотелефон жуда яхши буюм-да! — деб қўйди...

Менинг уч кун давомида кўрганларим Ватан равнақи йўлидаги ҳақиқий шиддатли ҳаёт эди. Ҳаммамиз, аниқроғи ҳар биримиз тобора тўлқинланиб, айқириб бораётган ушбу шиддатли оқимга бутун борлиғимиз билан қўшилмоғимиз, унда баралла қулоч ёзиб олға интилмоғимиз кераклигини ич-ичимдан чуқур ҳис этдим.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Расул Ҳамзатов — 80 ёшда

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ирмоқлар қўшилиб, дарёлар ҳосил бўлганидек, катта дунё адабиёти ҳам халқлар адабиётининг забардаст вакилларидан ташкил топади. Уларнинг уйғоқ овози бутун инсониятни, тинчликни сақлашга, бунёдкорликка, эзгуликка чақириб келмоқда. Адабиёт халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, заминнинг оғриқ нуқталари ҳақида бонг уришга хизмат қилмоқда.

Расул Ҳамзатов ярим асрдан кўпроқ вақт давомида ўзининг қатор ўлмас асарлари билан жаҳон халқларининг севимли шоирига айланди. Унинг илк китоби «Оташин севги ва ёндирувчи ғазаб» номи билан босилиб чиққан бўлса, «Туғилган куним», «Юксак юлдузлар», «Доғистоним» каби тўпламлари адабиёт оламида катта воқеага айланди. Шоирнинг шеърлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари ҳам Расул Ҳамзатов ижоди билан ўзбек тилида эълон қилинган бир неча тўпламлар орқали яхши таниш.

Донишманд шоир ўз ижод фалсафасини яратар экан унда инсон руҳиятида кечаётган жараёнлар, яширин тилсим жумбоқларини ечишга уринади. Доғистонликларга хос бўлган ўктамлик, жасорат, тилни, элни севиш шоир ижодининг чўққисига айланди. Мана шу туйғулар унинг шеърият ихлосмандлари орасида обрўйини, довруғини ошириб юборди. Шоир фақат биргина ҳудудга тегишли муаммо, бир миллат дарди билан яшамайди. У умумжаҳон, умуминсоният нуқтаи назаридан қарайди. Шундан бўлса керакки Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Зулфия сингари сўз санъаткорлари овози жаҳон бўйлаб янгради. Эзгуликка, инсонийлик тамойилларига ташна шоир бутун ижодида аёл зоти, оналаримиз, сингилларимиз, қизларимиз, умр йўлдошларимиз бўлган аёлларни улуғлаб келмоқда. Шоир бир шеърида:

Расул дер: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ».
Мен дейман: «Онамдан бошқа она йўқ».
Энди остонамда зор парвона йўқ,
Уйга қайтишга ҳам ҳеч иштиёқ йўқ.
Кўз ўнгимдан кетмас шу жойда онам,
Ёлғиз ўтирарди йўлимни пойлаб.
Тун-кунларни санаб ютган ғам-алам,
Тонгни қаршилаган неча марталаб.

Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига иймон келтириб, ҳар биримиз ўз мушфиқ, мўътабар онажонимиз каби меҳрибон зот йўқлигига ҳам иқрор бўламиз. Соябонидан айрилган шоир алам билан унинг бўм-бўш ўрнини узун тунлар онасига озор бериб йўлларига кўз тикирганини изтироб билан эслайди. Она билан бирга меҳр мурувват кетганлигини, унинг ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмаслигини сатрлар билан ифода этади.

Шоир ўзининг яна бир шеърида номус-ор учун қўлига ханжар олган тоғликларни тасвирлар экан, улар олдига етиб келган аёл рўмолчасини қиличлар ўртасига ташлаганда қўлларидан қуроллари ерга тушишини ифода этади. Ва бу билан аёлларга ҳурмат олдида ҳар қандай тўқнашувлар барҳам топишини кўрсатиб беради.

Шоир ёзаётган сатрларидан кўнгли тўлмасдан, қадим боболари шони шуҳрати олдида ўзининг оҳиз эканлигини, аниқроғи боболарининг мардлиги, жасурлигини қуйидагича ифодалайди:

Шошилмай ёздилар боболар қадим,
Ханжарлар юзига, ханжарлар билан.
Мен зўрга қийналиб ёзаман ҳадеб,
Уни қалам билан, бўш сўзлар билан.
Жангга от сурдилар боболар қадим,
Хайрлашиб севган ерлари билан.
Менинг сиёҳ билан зўрга ёзганим,
Тошга ёзди улар қонлари билан.

Камтарин шоир қалам қўри билан дунё адабиётининг забардаст вакили, жаҳондаги халқларнинг қадрли фарзандига айланди. У ўзининг қудратли шеърлари, унга басталанган қўшиқлари, ҳаёт ҳақиқатлари акс этган буюк шеърияти билан қалбларни аср этди.

Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатов шу кунларда саксон ёшни қаршилади. Лекин унинг адабиёт аҳли ва мухлисларига айтадиган сўзлари бисёр. У ҳамон қалам тебратиб, сўз дурларини тизиб, ижод йўлидаги сафарини давом эттираётир.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Ишонмасман дунёнинг сир-синоатига,
Майли, ўлим ҳукм қилгай ўтказмай фурсат.
Майли, мени олиб кетгай салтанатига,
Икки йилдан кейин ортга қайтаргай фақат.

Ниятим шу; қайтиб келиб йироқ-йироқдан,
Яқинларим ҳузурида бир-бир бўлгайман,
Агар, ёрим, шоду хандон юрсанг фироқда,
Билиб қўйгин ўша заҳот қайта ўлгайман.

Болалар спорти

МАҚСАД — ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Барча жойда бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоят прокуратураси ҳам четда турғани йўқ. Вилоятда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тарбияси оғир болалар ўртасида спортга қизиқишни уйғотиш юзасидан дастур ишлаб чиқилган.

Яқинда айнан шу дастур асосида Гулистон шаҳридаги ёшлар спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида вилоят прокуратураси соврини учун спортнинг Турон яккакураши, минифутбол, стол тенниси мусобақалари ўтказилди. Миллий спорт туримиз саналган Турон яккакураши беллашувларида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан икки юз нафарга яқин ўғил-қиз ғолиблик учун гиламга чиқди. Мусобақа якунида 12 вазн тоифасида кучлилар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Мусобақанинг финал босқичида вилоятнинг барча туманларидан 120 нафар ёш футболчи ва олтмишга яқин кичик ракетка ихлосмандлари иштирок этди. Минифутбол учрашувларида Гулистон тумани вакиллари, стол тенниси баҳсларида Мирзаобод тумани ёш спортчилари энг кучли, деб топилди.

— Бу мусобақалар болажонлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди, — дейди вилоят прокурори Эшмамат Бердимуродов. — Шуни ҳисобга олиб, бундай беллашувларни жойларда тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдик. Болалар спортини ривожлантириш учун барча бирдек масъул. Яқинда вилоят прокуратураси ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги Ш.Рашидов номли маҳаллада болалар учун янги волейбол, минифутбол майдончалари, Оқолтин туманидаги Сардоба қўрғонида футбол майдони барпо этилди. Келажакда бундай хайрли ишларни давом эттиришни мўлжаллаганмиз.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳикматли сўзлар маъноси

Илм кўп-у, умр оз, керагин ол-у, тошга ёз

«Оламнинг кети йўқ, Билимнинг чеки йўқ»; «Илм кўп, умр оз, зарурини ўқи!» деб ҳам қўлланадиган мазкур мақол билан: «Дунёда илм ҳаддан ташқари кўп, кишининг умри эса чекланган. Шундай экан, ҳамма билимларни ҳам эгаллайман, деб овора бўлмай қўяқол, барибир бунга эриша олмайсан, бунга сабру бардошинг ҳам, вақтинг ҳам, умринг ҳам кифоя қилмайди. Илмлар орасидан ўзингга керагини, ўз ҳаётий мақсадингга мос келадиганини танлагин-да, уни пухта эгалла, токи ўқиб ўрганган, билган нарсаларинг, худди тошга ўйилган ёзувдек, миянгга абадий ўрнашиб қоладиган бўлсин», деган маънода насиҳат қиладилар.

Янги китоблар

«НАВОИЙ ВАТАНИ»

Республикамиз мустақиллигининг ўн икки йиллик тантаналари арафасида Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобиловнинг «Навоий Ватани» номли китоби нашрдан чиқди. Унда муаллифнинг мустақиллик йилларида республикамиз матбуотида чоп этилган публицистик мақолалари, истиқлол бадиалари ўрин олган.

Китоб муқаддимаси профессор Нарзулла Жўраевнинг «Шеърга сиғмаган гаплар» сарлавҳали сўзбошиси билан бошланади.

Асардаги истиқлол бадиалари мазмун-эътиборига кўра беш қисмга ажратилган. Булар — «Ватан ва миллат», «Ҳуррият ва руҳият», «Йирик сиймолар — тирик сиймолар», «Улуғ айём суҳбатлари», «Хамсакент туҳфалари» бўлиб, улар мазмун жиҳатидан бири-бирини маълум маънода тўлдиради.

Интер-спорт

ЯРИМ ТУНДАГИ ОТИШМА

Америкалик машҳур теннисчилар опа-сингил Винус ва Серена Вильямснинг катта опасига суиқасд қилинди. Лос-Анжелес атрофидаги Комптон шаҳрида юз берган бу нохушликка 31 ёшли Йетун Прайснинг аёллар билан жанжали сабаб бўлган. Отишма пайтида Прайс автомобилда эди. Танасининг юқори қисмига бир неча ўқ теккан. Прайс сингиллари Винус билан Серена қатнашадиган WTA туркумидаги мусобақада ахборотлар билан таъминлаш вазифасини бажараётган экан.

РОССИЯЛИК ОЛИГАРХ «МАНЧЕСТЕР»НИ СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Россиялик номаълум Олигарх машҳур «Манчестер Юнайтед» футбол клубини сотиб олмоқчи эканлиги ҳақида гаплар тарқалди. Бундан ташқари, яна бошқа даъвогарлар ҳам бор. Улардан бири Яқин Шарқнинг нефть маҳсулотлари билан шуғулланувчи тадбиркори бўлса, иккинчиси Ғарбий европалик миллиардерлардан биридир. Ҳозир лондонлик молиячилар футбол клубини қандай баҳолаш мумкинлиги ҳақида бош қотиришмоқда. Ўтган йили «Манчестер» ҳисобидаги маблағ 23 миллион фунт стерлингга етгани маълум. Шуниси ҳам борки, бу сармоянинг 45 фоизи 6 нафар йирик тадбиркорга тегишлидир. Шунинг учун ҳам борди-ю клубнинг нархи уларга мос келиб қолса, сотилишига рози бўлишлари ҳам мумкин экан. Тахминан бу клубнинг баҳоси 600 дан 700 миллион фунт стерлингача бўлиши мумкин. Роман Абрамович «Челси» клубини 15 миллионга сотиб олган эди. Шундай қилиб, Британия юқори лигасидаги 3 та клубни чет эллик фуқаролар бошқаришмоқда. Хусусан, «Фулхэм»га мисрлик Муҳаммад ал-Фаед эгалик қилаётган бўлса, «Портсмут»ни сербиялик тадбиркор Милан Мандарич сотиб олган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман кенгаши Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Нурмуҳаммад Аҳмедовга ўғли

ОЙБЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва жамоаси «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти Прихожко Юрий Сергеевичга турмуш ўртоғи

ПРИХОЖКО Вера Андреевнанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва жамоаси институт ходими

Тўхтасин Жумаевич РЎЗМАТОВнинг

вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Ж.Ҳусановга онаси

ҲИКОЯТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862

7814 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA